
Жиноят-процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонуннинг асосий мазмун-моҳияти нималардан иборат?

Президент Шавкат Мирзиёев суд қарорларини қайта кўриш институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонунларни имзолади.

Ўзгартириш ва қўшимчаларнинг асосий қисми суд тизимининг қайта ихтисослашуви, суд қарорларини қайта кўриш институтининг такомиллаштирилиши билан боғлиқ.

1. Қонуннинг мақсади.

Қонуннинг мақсади "бир суд - бир инстанция" тамойили асосида суд қарорларини қайта кўриш тизимида йиллар давомида тўпланиб келинган муаммоларни бартараф этиш, тўрт босқичли суд инстанциялари ўрнига уч босқичли суд тизими ташкил этилиши натижасида назорат тартибида кўриш инстанциясини бекор қилиш, одил судловни таъминлашда фуқароларни ортиқча оворагарчиликлардан асраш, биринчи инстанция, апелляция ҳамда кассация инстанцияси судьяларининг суд ишларини кўришда уларнинг маъсулиятини ошириш, ушбусуд ишларини кўришда уларнинг маъсулиятини ошириш, ушбу инстанцияларни ислоҳ қилиш, кассациянинг учинчи инстанция суди сифатида белгиланиши натижасида суд Қарорларининг қонунийлиги, асослиги ва адолатлиги бевосита ундан норози томоннинг тўғридан-тўғри берган шикояти асосида кўрилишига эришиш, судларда ишларни назорат тартибида кўриб чиқиш бўйича бир-бирини такрорловчи инстанцияларни қисқартиришдан иборат.

2. Қонуннинг мазмуни ва моҳияти.

Қонун билан Жиноят-процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Киритилган ўзгартиришларга кўра, ишларни назорат тартибида кўриш инстанцияси тугатилди.

Суриштирувчи, терговчи, суд мажлиси котиби маълум бир ишда қатнашганидан сўнг кейинчалик уни қайта кўриб чиқиш учун суриштирувчи, дастлабки терговчи юритишда такроран иштирок этиши, шунингдек суд мажлиси баённомасини юритиши мумкин. Эндиликда судда жиноят ишини муҳокама қилиш фақат айбланувчиларга нисбатан ва эълон қилинган айблов бўйича олиб борилади (илгари ҳақиқатни аниқлаш мақсадида – айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилинмаган бошқа шахсларга нисбатан олиб борилган). Судланувчини янги айблов бўйича жиноий жавобгарликка тортиш асосларини аниқлаш эндиликда судланувчининг, унинг ҳимоячисининг, қонуний вакилининг илтимосномасига кўра ҳам амалга оширилади (илгари ушбу тартиб фақат прокурорнинг ёки жабрланувчининг, унинг вакилининг илтимосномасига кўра амалга оширилган).

Ш.Мирзакиров

Жиноят ишлари бўйича

1 / 1

Ўзбекистон туман судининг раиси